

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ТЕШАБАЕВА ГАВХАР ДАРВИШОВНА**

**ФУТБОЛЧИЛАРДА СТРЕСС БИЛАН БОҒЛИҚ НЕВРОТИК  
БУЗИЛИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ  
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctorof philosophy (PhD)**

**Тешабаева Гавхар Дарвишовна**

Футболчиларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили ва профилактикаси.....3

**Тешабаева Гавхар Дарвишовна**

Анализ факторов, приводящих к связанным со стрессом невротическим расстройствам у футболистов и их профилактика.....21

**Teshabaeva Gavkhar Darvishovna**

Analysis of factors leading to stress-related neurotic disorders in football players and their prevention.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ТЕШАБАЕВА ГАВХАР ДАРВИШОВНА**

**ФУТБОЛЧИЛАРДА СТРЕСС БИЛАН БОҒЛИҚ НЕВРОТИК**  
**БУЗИЛИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**  
**ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2019.1.Phd/Tib806 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.medsport.uz](http://www.medsport.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Магзумова Шахноза Шахзадэевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллажанова Шахло Журахановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Васида Каримбековна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2019.TIB.69.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)

Диссертация автореферати 2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Садиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Б.Солиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
биология фанлари доктори, к.и.х

**А.А.Хаджиметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида ҳозирги замон спорти ўзига хос рақобат хусусиятига эга бўлиб, спортчиларнинг жисмоний қобилияти билан бир қаторда руҳий имкониятларини ҳам кенгайтиришни ўта зарур вазифа сифатида қўймоқда. Спорт турлари, айниқса «миллионлар ўйини» бўлган футбол йўналишида натижадорликнинг ўсиши спортчиларнинг индивидуал жисмоний имкониятлари билан бир қаторда уларнинг юқори спорт формасига эришишда аҳамиятли бўлган руҳий тайёргарлик даражасини доимий ва ҳар тамонлама ошириш заруратини исботламоқда. «Турли касалликлар орасида психик, неврологик ва наркологик касалликларнинг улуши 10% ни ташкил этиши ҳамда бутун дунёда 450 млн. киши енгил ёки оғир турдаги руҳий касалликлар билан касалланганлиги аниқланган»<sup>1</sup>. Бугунги кунда спорт соҳасида юқори муваффақиятларга эришиш учун спортчиларда, айниқса, футболчиларда учрайдиган невротик бузилишларни эрта аниқлаш, ўз вақтида бартараф этиш ва уларда руҳий барқарорликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этиб, юқори спорт формаси ва натижаларига эришишни таъминлашда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида спортчилар орасида руҳий бузилишларни уларни келтириб чиқарган омилларни эътиборга олган ҳолда аниқлаш, спортчиларнинг жисмоний имкониятларини яхшилаш, руҳий бардошлилигини ошириш орқали юқори юклаган шароитларга мослашувини тезлаштириш ва спортдаги натижаларини янги поғоналарга кўтариш кабилар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада охириги йилларда стресс билан боғлиқ невротик, соматоформ бузилишларнинг спортчининг руҳий тайёргарлик даражасига, мусобақа олди ва мусобақа босқичларида руҳий чидамлик ва барқарорликни таъминлашга, жисмоний имкониятларни тўлиқ намоён этиш қобилиятига, машғулотлар жараёнини муқобиллаштириш ва юқори жисмоний юклаганларга чидамликни оширишдаги имкониятларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида спорт ҳаракатини тубдан яхшилаш, айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлик даражасини яхшилаш йўналишида кенг миқёсда чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилмоқда. Бу ўринда «...жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни

---

<sup>1</sup>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ҳалқаро олимпия қўмитаси спорт орқали соғлиқни мустаҳкамлаш учун кучларни бирлаштиради. Женева, 2020 йил, 16-май.

шакллантиришга...»<sup>2</sup> қаратилган илмий-тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПҚ-5924-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меърий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга келиб, бутун дунё спорт соҳасидаги мутахассислар учун спортчиларнинг руҳий саломатлигини текшириш ва яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Европада ўтказилган бир қанча тадқиқотлар натижаларини келтириб ўтамиз: амалий соғлом ҳисобланган спортчиларда ҳам эмоционал ностабиллик, невротик реакциялар аниқланганлиги (Naismith L.D. et al., F.Grasset et al., 2004); Германия 1-лигасининг 17 та футбол жамоаларида депрессия ва хавотир ҳолатининг ўзаро боғлиқлигини (Junge A.; Prinz B., 2018) ва юқори малакали футболчи аёллар карьера пайтида ва карьерадан сўнг депрессиянинг учраши тадқиқ қилинганлиги (Prinz B.; Dvořák J.; Junge A., 2016); енгил бош мия жароҳати олган спортчиларнинг турли тикланиш даврларда стресснинг психологик ва физиологик маркерлари аниқланганлиги (Hutchison M.; Mainwaring L.; Senthinathan A.; 2017); спортчиларда ёмон уйқу умумий саломатликнинг ёмонлашиши, стресснинг ошиши ва паришонхотирлик билан боғлиқлиги аниқланганлиги (Biggins M.; Cahalan R.; Comyns T.; 2018) юзасидан тадқиқотлар ўтказилган.

Россиялик олимлар томонидан эса қуйидаги тадқиқотлар ўтказилган: соматоформ бузилишлар кўпроқ аёлларда (умумий касалликларнинг 1-2% ини ташкил этади), эркакларда эса тарқоқ хавотирли бузилишлар (касалликларнинг 3-14% ни ташкил этади) кузатилишини (Асимов М.А., 2002); спортчиларнинг ҳиссиёт жабҳаларида кучли силжишлар аниқланганлигини (Александровский Ю.А., 1996; Гуревич И.Н., 1999; Гундаров И.А., 2001); чегаравий нерв-психик ҳолатларини кўз ҳаракатларини фиксацияси билан кўриш тестлари ва ЭЭГ ёрдамида ташҳис ўтказишни (Гонопольский А.М., 2013); Лесгафт Университети талабаларидаги невротик бузилишларнинг учраши (Бакин А.А., 2013) каби тадқиқотлар ўтказилган.

Марказий Осиё, жумладан Қозоғистонда невротик бузилишларни турли этник гуруҳларда тарқалганлигини К.Т.Сарсенбаев (2009) ўрганган бўлса, Б.Б.Жарбусынова (2010) ўтказган тадқиқотларда аҳоли орасида 1,3-7,94% социал фобия тарқалганлиги аниқлаган.

---

<sup>2</sup>Ўзр ПҚ-5924-сон 2020 йил 24 январ «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Мамлакатимизда спортчилар орасида руҳий саломатлигига ва спортдаги натижавийликка таъсир этувчи стресс ва ҳавотирнинг спортчиларнинг муваффақиятига таъсирини (Болтобаев С.А. ва ҳаммуал., 2020); спортчиларнинг маҳоратини ошириш учун гипнознинг қўлланилиши (Бегматов А.С., 2018); курашчиларнинг психофизиологик ҳолатини текшириш ва шу асосда бошқа спорт турларида ҳам спортчиларнинг кўрсаткичларини яхшилаш (Керимов Ф.А., Абидов Ш.У., Садыков А.Г., 2018); спортчи қизларнинг тиббий-педагогик назорат қилиш учун дастурларни такомиллаштириш ва уларни таққосий тавсифларига (Халикова У.А., Саттарова Д.Б., 2018) бағишланган тадқиқотлар ўтказилган. Шунингдек, илмий базанинг ҳозирги ҳолати ва энг муҳим ишланмалари ҳанузгача чуқур, кенг қамровли илмий таҳлил қилинмаган. Айтиш мумкинки, спортчиларда учрайдиган руҳий бузилишларнинг ўрганилганлик даражаси улардаги бошқа соматик касалликларга қараганда анча кам. Стресс билан боғлиқ невротик бузилишлар оддий популяция орасида кўп ўрганилган, лекин неврозлар ва спортчиларнинг руҳий саломатлигига бағишланган илмий ишлар санокли. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг №ПЗ-2017092991 «Дерматоглификага асосланган генетик белгилар бўйича истиқболли спортчиларни танлов методларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** футболчи аёлларда невротик бузилишларга олиб келувчи омилларни аниқлаш ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

футболчиларда учрайдиган стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни аниқлаш ва клиникасини баҳолаш;

футболчи аёлларда невротик бузилишларга олиб келувчи конституционал-биологик омилларни аниқлаш;

футболчи аёлларда невротик бузилишларга олиб келувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

футболчи аёлларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга олиб келувчи ташкилий омилларни аниқлаш;

футболчилардаги невротик бузилишларни профилактикаси бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республикаимизнинг футбол бўйича Олий ва 1-Лиганинг Бунёдкор, АГМК, Андижанка, Навбахор, Қизилқум, Бухоро, Кўкон–1912, Шўртан, Динамо футбол жамоларида фаолият юритувчи 184 та футболчи аёллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида невротик бузилиш аниқланган

футболчиларнинг клиник, конституционал-биологик, ижтимоий ва психологик характеристикалари ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолашнинг клиник-психопатологик ва невротик, экспресс-диагностик усуллари, характерологик саволнома, «спортчи-мураббий» муносабатларини ўрганиш, гуруҳнинг жипслиги каби экспериментал-психологик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор футболчи аёлда невротик бузилишларга олиб келувчи конституционал-биологик омиллардан шахс акцентуациясининг турига қараб футболчининг амплуаси белгиланиши, ижтимоий-психологик омиллардан дисгармоник тарбия олганлиги, спортчи-мураббий муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, гуруҳли жипсликнинг пастлиги спортчи руҳияти ва саломатлик даражасига таъсири асосланган;

илк бор футболчи аёллар учун махсус профилактик дастур қисқа психотерапия невротик бузилишларга олиб келувчи ижтимоий ва психологик омилларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг спортга бўлган қизиқишнинг қайта тикланиши психология жиҳатдан такомиллаштирилган;

илк бор невротик ҳолатларнинг ривожланиши, клиник гетерогенлиги, давомийлиги ва динамикасига ташкилий омилларнинг, яъни футболчи аёлнинг бир жамоада кам вақт ўйнаши, фаолият олиб борадиган жамоа ва мураббийни тез-тез ўзгариши, футбол жамоасида спорт психологи ва врачнинг йўқлиги, машғулот-мусобақалардан олдиндан беҳабарлиги, футболга саралаш орқали олинмаганлиги кабиларнинг таъсири исботланган;

илк бор футболчи аёллардаги невротик бузилишларни эрта аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган махсус алгоритм мусобақадан олдин тезкор невротизация скрининги ўтказиш ва чуқурлаштирилган тиббий кўрик таркибига тиббий психолог/психиатр кўригини киритиш билан такомиллаштирилган ва шунга асосан тиббий-психологик ёрдамга мурожаат ва этмаган футболчиларни қўллаб-қувватлашга имкон яратиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга олиб келувчи комплекс омилларни ўрганувчи алгоритм ёрдамида тезкор скрининг орқали футболчи аёлларнинг стрессга чидамлилигини, руҳий саломатлигини даврий баҳолаб боришни йўлга қўйиш, невротик бузилишларни клиник олди даврида эрта аниқлаш, уларнинг динамикасини кузатиш ҳамда даволашга рационал ёндашувни йўлга қўйиш имконияти борлиги асосланган;

футболчи аёл шахсиятининг тоифасини аниқлашнинг ҳамда футболчининг амплуасини аниқлаш учун тренерга у ҳақда характеристика беришнинг стратегик аҳамияти асослаб берилган;

профилактик услуб футболчи аёллардаги стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни невротизацияни тезкор скрининг қилиш орқали эрта аниқлаш учун ёзилган махсус алгоритм ёрдамида ишлаб чиқилганлиги исботланган;

футболчи аёллар ўртасида ўтказилган тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш натижасида уларнинг руҳий саломатлиги ва турмуш сифатини яхшилаш орқали миллий ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда спортдаги натижавийлик ва муваффақият қозониш учун мураббийлар ва спорт психологларига мўлжалланган амалий тавсиялар асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўтказилган тадқиқотлар статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ҳаққонийлиги, клиник текширувлар сонининг етарлича эканлиги, қўйилган вазифаларга мос равишда тадқиқот услублар танловининг мутаносиблиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдириши, рақамли маълумотларнинг статистик фарқлар даражасини кўрсатган ҳолда статистик ишланганлиги билан белгиланади. Тадқиқотда замонавий текширув усуллари қўлланилиб, ишончли натижалар олинган, хулосалар натижаларга кўра чиқарилган ва қўйилган вазифаларга мос.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти невротик бузилишларни аниқлаш ва ташҳислаш учун эскпресс-диагностика усулини қўллаган ҳолда ўтказилган комплекс клиник-психопатологик текширувдан ташқари, неврозларни клиник олди босқичида (диагностика 3 та босқичдан иборат бўлиб, 1 ва 2-босқичлари клиник олди босқичлари ҳисобланади) аниқлаш учун биринчи марта ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланилиб, неврозларни эрта аниқлаш, шунингдек уларни даволашни ўз вақтида бошлаш иқтисодий самарадорликка олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти футболчи аёллардаги стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга олиб келувчи омилларни аниқлаш ва неврозларни эрта аниқлаш алгоритми спорт Федерациялари ва Ассоциацияларининг тиббий ва психологик хизматига татбиқ этилиб, шу билан спортчиларнинг руҳий ва жисмоний соғлиғи яхшиланиб, амалий тавсияномалар психолог, психотерапевт, спорт шифокорлари томонидан қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Футболчиларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили ва профилактикаси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

футболчи аёлларнинг руҳий ҳолатини белгиловчи неврозларга олиб келувчи комплекс, конституционал-биологик, психологик, ижтимоий, ташкилий омилларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида спорт шифокорлари, спорт ва тиббий-психологлар ҳамда мураббийлар учун ишлаб чиқилган «Спортчиларда невротик бузилишларни аниқлаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 февралдаги 8-н-р/54-сон маълумотномаси). Натижада футболчи аёлларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, невротик бузилишларни эрта аниқлаш (профилактик аҳамиятга эга), уларга тиббий-

психологик ёрдам кўрсатувчи муассасалар ишини такомиллаштириш имконини берган;

футболчи аёллар руҳий ҳолати, саломатлигини яхшилаш ва неврозни профилактикаси учун ишлаб чиқилган профилактик услуб ижобий натижа бериб, неврозни шаклланишига тўсқинлик қилишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган футболчиларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили ва профилактикасига қаратилган тадқиқот натижалари Миллий олимпия қўмитаси қошидаги қаратэ Федерацияси, стол тенниси Федерацияси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 8-н-р/110-сон маълумотномаси). Натижада футболчи аёлларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, неврозни эрта аниқлаш ва унинг профилактикасида тиббий психологлар ишини бирмунча енгиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, шахсий текшириш натижаларининг баёни ва таҳлили билан бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва ишга бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг амалиётга татбиқи, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Футболчи аёлларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишлар хусусиятлари**» деб номланган I-бобида спортчиларда учрайдиган стресс билан боғлиқ невротик бузилишлар турлари ва клиникаси, футболчи аёлларда невротик бузилишлар келиб чиқишига олиб келувчи омиллар, футболчи аёллардаги неврозларнинг асоратлари, стресс билан боғлиқ невротик бузилишларда ўтказиладиган профилактика масалалари турли чет эл ва маҳаллий манбаларга таянган ҳолатда батафсил келтирилган. Шу билан боғлиқ равишда, илмий адабиётларда аёл футболчиларда невротик бузилишларга олиб келган омиллар деярли ёритилмаганини ҳисобга олиб,

ушбу тадқиқотнинг мақсади қилиб белгилаб олинди.


Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган II-бобида 17-37 ёшдаги 184 та футболчи аёлларга тавсиф берилган. Текширилган футболчиларнинг асосий қисмини стрессга боғлиқ невротик бузилиш аниқланган футболчи аёллар ташкил қилган. Асосий гуруҳ – невротик бузилиш аниқланган футболчи аёллар – 44 та (23,9%), назорат гуруҳи – невроз аниқланмаган футболчи аёллардан – 140 та (76,1%) иборат бўлиб, улар 2018-2020 йилларда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази спорт ва тиббий психология бўлимида текширувдан ўтган. Текширув предмети невроз аниқланган футболчи аёлларнинг клиник, конституционал-биологик, ижтимоий ва психологик характеристикаларидир.

Илмий тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: клиник усуллар – суҳбат ва кузатув, сўраб-суриштириш, махсус-анкета сўровнома, невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолашнинг клиник сўровномаси (Яхин-Менделевич); психологик усуллар – невротизацияни аниқлашнинг экспресс-диагностика усули, К.Леонгарднинг характерологик саволномаси, Ханин-Стамбулова мураббий ва спортчи муносабатларини ўрганиш методикаси, Сишорнинг гуруҳли жипслилигини текшириш усули ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижаларнинг статистик ишланиши компьютерда вариацион статистиканинг Microsoft Excel дастури ёрдамида ўтказилди. Олинган ўзгаришлар статистик аҳамияти ўртача катталикларни таққослашда Стьюдент мезони бўйича хатолик эҳтимоллигини ҳисоблаб аниқланди. Таққосланаётган аломатлар бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқ  $p < 0,05$  да статистик аҳамиятли деб олинган. Корреляцион боғлар корреляция коэффиценти ( $r$ ) бўйича баҳоланди. Агар  $r < 0,3$  бўлса, корреляция кичик (кучсиз),  $r$  0,3 дан 0,7 гача бўлганда – ўртача (мўътадил),  $r \geq 0,7$  – юқори (кучли) деб ҳисобланди.

Тадқиқотнинг «**Невротик бузилишлар келиб чиқишига олиб келувчи ҳавф омиллари ва уларнинг таҳлили**» деб номланган III бобида невротик бузилишларга олиб келувчи конституционал-биологик, психологик, ижтимоий ва ташкилий омилларнинг таққосий таҳлили келтирилган. Клиник омиллардан – неврознинг бошланиши қандай ҳолат билан боғлиқлиги ўрганилганда, асосий гуруҳ – невроз аниқланган футболчи аёлларда невротик бузилиш бошланиши психотравмага боғлиқлиги – 9 та (20,4%), ўта чарчашга боғлиқлиги – 11 та (25%), ўта зўриқишга боғлиқлиги – 10 та (22,7%), перетренировкага боғлиқлиги – 14 та (31,8%) аниқланган. Назорат гуруҳимиздаги футболчи аёлларда эса невротик бузилиш аниқланмади. Олинган ушбу натижалар невроз бошланишига спортчининг интенсив юкламага тайёр эмаслиги ва ўта чарчаш каби омилларнинг таъсири ҳақида маълумот берапти. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда компенсация механизмларини ишлаб чиқиш спортчилардаги натижавийликни оширишга ёрдам беради. Футболчилар орасида астеник неврознинг кўп кузатилиши, ўта

чарчаш, ўта зўриқиш, перетренировка ҳолатининг спортчиларда кўп учраши билан тушунтирилади, бу ҳам невроз шаклланишига олиб келади. Менделевич-Яхин сўровномаси натижалари невроз кузатилган асосий гуруҳда: 44 та бемордан 7 тасида (15,9%) хавотирли невроз кузатилиб, футболчи аёлларда умумий хавотирлилиқнинг ошиши кузатилиб, эртанги мусобақа ҳақидаги ички безовталиқнинг ошиши пайдо бўлади. 6 тасида (13,6%) эса депрессив ҳолат кузатилиб, психотравманинг узок вақт таъсирида кайфият пастлиги, гиподинамия ва фикрлаш секинлашиши, ҳаракат активлигининг пасайиб кетиши билан кечади. 11 та аёлда (25%) астения кузатилиб, бу синдромнинг юзага келишига узок вақт таъсир кўрсатувчи психотравмаловчи омил ва ортиқча жисмоний зўриқишга боғлиқ. Астения гиперстения билан бошланиб, ўта таъсирчанлик, кўзғалувчанлик, атрофдаги товуш, ортиқча ёруғлик, жамоадагиларнинг баланд товушлари ёқмай, улар билан зиддиятга бориши мумкин, ўта чарчаш билан, паришонхотирлик, ўйиндан тез чалғиши, ташқи таъсир этувчиларга тез берилиши, ўйинни бошлаб олиши қийин кечиши билан намоён бўлади (1-расм).




1-расм. Менделевич-Яхин сўровномасига кўра неврозларнинг структураси

9 та футболчи аёлда (20,4%) истерик ҳолат кузатилиб, ўйинчилар аввалига одатий жисмоний зўриқишларни кўтара олмай, эмоционал ҳолатини бошқара олмай, агрессив бўлиб қолишади, кейинчалик эса норозилик ҳисси кучайиб, жамоадаги бошқа спортчилар ва мураббий билан муносабатлари кескинлашади. 6 та аёлда (13,6%) эса обсессив-фобик ҳолат билан бошланиб, доимий кўркув ва шубҳаланишлар, хотиралар, безовталиқ, турли ритуалларни бажариш билан кечди. Невроз аниқланган аёлларнинг 5 тасида (11,3%) вегетатив симптоматика кузатилиб, ушбу симптомокомплекснинг клиник-динамик кузатуви натижасида асосан турли альгик бузилишлар билан намоён бўлади. Невротик бузилиш давомийлигига кўра текширилганда, асосий гуруҳда куйидаги натижаларга эришдик: касалликнинг асосий белгилари 1-3 ой давом этган ҳолат 5 тани (11,3%), 4-6 ой давом этган ҳолат 8 тани (18,1%), 6-9 ой давом этгани 15 та (34,1%), 9-12 ой давом этгани эса 16 та (36,3%) футболчи аёлларда кузатилди (2-расм).

Касаллик симптомларининг ўз вақтида аниқланмаслиги, спорт шифокори томонидан вақтида ташҳис қўйилмаслиги касалликнинг давомийлигига таъсир кўрсатади. Невротик бузилишнинг узок вақт кечиши мураббий, спорт шифокорининг ва футболчининг ҳам ўз рухий

саломатлигига бефарқ бўлишини билдириб, 70,4% ҳолатда неврознинг 6 ойдан ортиқ кечишига олиб келган (2-расм). Бу эса ўз навбатида спортчининг руҳий ва жисмоний саломатлигига салбий таъсир қилиб, спортдаги натижавийликни кескин тушишига олиб келади. Шу билан боғлиқ равишда невротик бузилишларни ўз вақтида аниқлаш футболчи аёлнинг саломатлигини сақлашга ва спортдаги ютуқларини оширишга замин яратади.



2-расм. Футболчи аёлларда невротик ҳолатларнинг давомийлиги

Футболчи аёлларда стресс билан боғлиқ равишда юзага келадиган невротик бузилишларга олиб келувчи психологик омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун психологик текширув усулларида невротизацияни аниқлашнинг экспресс-диагностика усули ва стрессга чидамлик тести, шунингдек аёлларга нисбатан зўравонлик турларини аниқлаштириш учун аноним саволномадан фойдаланилди. Психологик омиллардан стрессга чидамликнинг пастлиги, яъни стресс вазиятлари футболчи ҳаётига яққол таъсир этиши (86,4%), стресс организмга жиддий таъсир кўрсатиб, турли касалликларни бошланишига олиб келиши (9,1%) (1-жадвал); невротизация даражасининг жуда юқорилиги (13,6%), юқорилиги (20,5%), бироз кўтарилган (25,0%); футболчи аёлларга нисбатан зўравонлик – тазйиқ (25%) ва руҳий зўравонлик (25%) мавжудлиги неврозга олиб келувчи омиллардир.

#### 1-жадвал

#### Стрессга чидамлик бўйича футболчи аёлларнинг тақсимланиши

Стрессга чидамлик	Асосий гуруҳ (n=44)		Назорат гуруҳи (n=140)		$\chi^2$	P
	абс.	%	абс.	%		
10 баллдан кам	2	4,5	27	19,3	5,48	<0,05
30 – 50 балл	38	86,4	96	68,6	5,36	<0,05
50 баллдан юқори	4	9,1	17	12,1	0,31	>0,05
<b>Жами</b>	<b>44</b>	<b>100,0</b>	<b>140</b>	<b>100,0</b>	<b>100,17</b>	<b>&lt;0,001</b>

Эслатма:  $p < 0,05$ ;  $p < 0,01$ ;  $p < 0,001$

Невротик бузилишга олиб келган конституционал-биологик омилларни

аниқлашда махсус анкета-сўровнома саволлари, сўраб-суриштириш, анамнестик маълумотлар, кузатув услубларидан фойдаланилди. Асосий гуруҳдаги аёлларнинг 3 тасининг (6,8%) ота-онасида руҳий касалликлар, 14 та футболчининг (31,8%) ота-онасида эса соматик касалликлар аниқланиб, бу касалликларнинг мавжудлиги футболчи аёлларнинг ёшлигидан стресс вазиятларининг кузатилиши болаликда невротик симптоматика ривожланишига сабаб бўлади. Назорат гуруҳидаги аёлларнинг ота-онасида бу каби касалликларнинг учрамаганлиги уларда стресс билан боғлиқ невротик бузилиш ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил сифатида баҳоланади. Асосий гуруҳ футболчиларининг 18 тасида (40,9%) ўсмирлик даврида турли даражадаги невротик симптомлар аниқланди. Бу омил ҳам вояга етган даврда невроз ривожланишига олиб келади.

Асосий гуруҳ футболчи аёлларида 44 тадан 14 тасида (31,8%) демонстратив тоифадаги футболчи аёлларнинг кўплиги аниқланди. Футбол жамоасида демонстратив аёлларнинг кўп бўлиши жамоадан кўра ўз манфаатларини юқори қўйиши, атрофдагиларни эътиборини фақат ўзига қаратиб жамоани марказида бўлишга ҳаракат қилиши, тез ҳафа бўлиб, юзаки ҳиссиётларга эга, жамоага эмас, ўз шахсига эътиборни қаратишга ҳаракат қиладиган шахс эканлигидан далолатдир. Асосий гуруҳнинг 1 тасида (2,3%) руҳан қотиб қолувчи типдаги шахс кузатилиб, уларнинг асосий хусусияти аффект ҳолатига нисбатан матонатли ҳамда ўта қимматли ғоялар шаклланишига мойиллиги мавжуд. Тез қўзғалувчи тоифадаги акцентуантлар 10 тасида (22,7%) кузатилиб, уларга юқори импульсивлик ҳамда фавқулодда ҳолларда ўзини бошқаришида сустлик кузатилади. Эмотив тоифа (18,2%) таъсирчан инсонлар бўлиб, чуқур кечинмаларга сезгир бўлиб, стресс ва неврозга кўп учрашади. Назорат гуруҳида педант шахсларнинг кўплиги эса (140 тадан 29 тасида), невроз шаклланишига тўсқинлик қилувчи омил эканлиги аниқланди. Педант характер тоифа эгаларининг психологик жараёнлари суст кечади ҳамда ригидлик кузатилади.

Невроз ривожланишига олиб келувчи омиллар ичида характер акцентуациялари каби омил ҳам муҳим аҳамият касб этиб, футболчилар орасида демонстратив, эмотив ва қўзғалувчан типдаги аёлларнинг кўп бўлиши, жамоанинг бирдамликда фаолият юритишига, шахсий манфаатларни жамоа манфаатларидан устун қўйишига, натижада эса спортдаги натижавийликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Спортчиларни селекция жараёнида ҳам айнан психологнинг (клиник, тиббий, спорт) иштирок этиши муҳим ҳисобланиб, спортчиларни характерига кўра танлаши, кейинчалик спортдаги натижавийликка самарали таъсир кўрсатади.

Футболчи аёлларнинг характер акцентуация типини ҳақидаги хулосалар жамоа мураббийи учун муҳим ҳисобланиб, ушбу спортчилар учун шахс типидан келиб чиққан ҳолда майдонда амплуани танлаш имконини беради. Қўзғалувчан типдаги спортчиларни характер қирраларини ҳисобга олиб, уни ғалабага мотивация қилиш ишларини кучайтириб, ҳужумчи сифатида

белгилаши тавсия этилади. Чунки кўзгалувчан тип майдонда ўзини агрессив ва охиригача олиб борадиган тактикалари билан жамоани ғалабага етаклаши мумкин. Истероид типдаги спортчилар кўпроқ якка ҳолдаги ўйинчилар ҳисобланиб, улар учун ҳимоя айнаи муддаодир. Машғулотлар пайтида истероид типдаги спортчига зўриқишларни кўпайтириб бериш улардаги рухий зўриқишни гармония ҳолатига келтириб, адекват шуғулланиш ва ўйинда ўйнашга олиб келади. Психастеник типдаги спортчи учун ҳимоя айнаи муддаодир, у жисмоний ва рухий зўриқишга чидамлидир.

Мураббий томонидан ҳар бир спортчини характер акцентуация типидан айнан мана шу ҳолатда тўғри фойдаланиш, яъни шахс типига кўра спортчилар учун мотивацион тадбир, тренировка шароитлари ва қайси амплуада ўйнаши каби тавсияларни бериш муҳим ҳисобланиб, аёллар футбол жамоасини ғалабага етаклайдиган омиллардан ҳисобланади. Футболчиларнинг характер акцентуацияларини эса жамодаги спорт психологи тест ўтказиб, аниқлаб, ҳар бир футболчи учун ҳулоса қилиб, мураббий учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ёрдам беради. Шахс типидан тўғри фойдаланиш – спортдаги натижавийлик билан чамбарчас боғлиқдир. Мураббий эса бу маълумотлардан ҳар бир спортчи учун амплуа ва мотивацион тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиши тавсия этилади.

## 2-жадвал

### Футболчи аёлларнинг жипслигига кўра тақсимланиши

Сишор тести	Асосий гуруҳ (n=44)		Назорат гуруҳи (n=140)		$\chi^2$	P
	абс.	%	абс.	%		
16 балл ва юқори	6	13,6	39	27,9	3,66	>0,05
12-15 балл	9	20,5	48	34,3	3,00	>0,05
7-11 балл	12	27,3	37	26,4	0,01	>0,05
5-6 балл	17	38,6	16	11,4	16,84	<0,001
<b>Жами</b>	<b>44</b>	<b>100,0</b>	<b>140</b>	<b>100,0</b>	<b>100,17</b>	<b>&lt;0,001</b>

Эслатма:  $p<0,05$ ;  $p<0,01$ ;  $p<0,001$

Футболчи аёллар ўртасида учрайдиган стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ижтимоий омилларни аниқлаш учун мураббий ва спортчи ўзаро муносабатларини ўрганиш методикаси, Сишорнинг гуруҳли жипслигини текшириш усули, махсус анкета-сўровнома ва сўраб-суриштириш усулларидан фойдаланилди. Ижтимоий омиллардан спортчиларда дисгармоник тарбия олганлиги (63,6%), спортчи-мураббий муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги (20,5%), гуруҳли жипсликнинг пастлиги (38,6%) (2-жадвал), невроз аниқланган 81,8% аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги омили стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади.

Стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга олиб келган ташкилий омиллар: футболчи аёлнинг бир жамоада кам вақт ўйнаши, яъни 3-5 йилдан буён (15,9%), 1-3 йилдан бери (13,6%), 6-12 ой давомида (43,2%) бир жамоада фаолият юритиши; 5 йилда 1-3 та футбол жамоасини ўзгартирганлиги (75,0%); 5 йил ичида 1-3 та мураббий ўзгариши (40,9%), футбол жамоасида спорт психологи ва врачининг йўқлиги (72,7%), машғулот-мусобақалар графигидан олдиндан беҳабарлиги (29,5%), футболга саралаш орқали олинмаганлиги (ота-онаси олиб келган – 9,1%, ўзи келган – 86,4%), мураббий томонидан стресс ҳолатига тадбир ўтказилмаганлиги (6,8%) ва тадбир ўтказилмаганлиги айнан жамоада спорт психологи йўқлиги (86,4%) учун амалга оширилмаганлиги, машғулотлар давомида аёлларнинг физиологик ҳолати инобатга олинмасдан (95,5%) интенсив шуғулланиши ва бу вазият жамоада эркак мураббий бўлиши (92,1%) кузатилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Жамоани ўзгартирганига кўра футболчининг тақсимланиши

5 йилда ўзгартирган футбол клубингиз сони	Асосий гуруҳ (n=44)		Назорат гуруҳи (n=140)		χ <sup>2</sup>	P
	абс.	%	абс.	%		
1-3 та	33	75,0	69	49,3	8,96	<0,01
4-5 та	7	15,9	28	20,0	0,36	>0,05
Ўзгартирмадим	4	9,1	43	30,7	8,23	<0,01
<b>Жами</b>	<b>44</b>	<b>100,0</b>	<b>140</b>	<b>100,0</b>	<b>100,17</b>	<b>&lt;0,001</b>

Эслатма: p<0,05; p<0,01; p<0,001

Диссертациянинг «Стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга олиб келувчи омиллар орасидаги корреляцион боғлиқликлар» деб номланган IV бобида конституционал-биологик, психологик, ижтимоий, ташкилий омилларнинг корреляцияси ўрганилиб таҳлил қилинди ва стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқаришга олиб келиши ёхуд тўсқинлик қилиши аниқланди.

Ҳар бир омилни корреляцион таҳлили орқали қуйидаги натижаларга эришдик: *футболчи аёлларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар* - стрессга чидамлилиқнинг юқори бўлиши невротизациянинг паст бўлишига, юқори бўлиши невротизацияга; футболчи аёлнинг ўсмирлик давридаги руҳий соғломлиги вояга етган даврда стрессга чидамлилиқни ошириб, невротизация олдини олар экан; аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг мавжуд эмаслиги улардаги невротизация даражасининг паст бўлишига; интранатал ва 3 ёшгача бўлган даврдаги турли касалликлар бўлиши характер акцентуацияларининг юзага келишига сабаб бўлади; жамоадаги футболчи аёллар ўзаро қанчалик жипс бўлса, футболчи ва мураббий орасидаги муносабатларга ҳам ижобий таъсир

этар экан; футболчи нотўлиқ оилада бўлса-да, гармоник тарбия олган бўлса; футболчи жамоада қанча кўп ўйнаса, жипслилик ҳам шунча юқори бўлади; 5 йил ичида жамоада мураббийнинг ўзгармаслиги гуруҳда паст бўлса-да, жипслиликни ушлаб туради; футбол жамоасида спорт врачлари, психологнинг борлиги стрессга чидамлиликнинг ошишига; футболчиларнинг мусобақа-машғулотлар графигидан хабардорлиги невротизация даражасининг пастлигига сабаб бўлади; мураббий, спорт психологи томонидан стресс ҳолатида бирон тадбир ўтказилганлиги уларда стрессга чидамлиликни оширади; агар аёллар жамоасида мураббий эркак бўлса, эркак-аёл муносабатларининг биологик жиҳатдан номутаносиблиги орқали аёлларнинг физиологик ҳолати баъзида ҳисобга олинмай, жисмоний саломатликка путур етказиш орқали руҳий дискомфорт ҳолати юзага келишига сабаб бўлади.

*Футболчи аёлларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларнинг ривожланишини кучайтирувчи омиллар:* стрессга чидамлиликнинг паст бўлиши невротизациянинг юқори чиқишига; болалик ва ўсмирлик давридаги невротик симптомлар стрессга чидамлиликни пасайишига; аёлларга нисбатан жинсий ва иқтисодий зўравонликнинг мавжудлиги улардаги невротизация даражасининг юқори бўлишига; стрессга чидамлиги паст бўлган спортчининг мураббий билан муносабатида очиқ зиддиятлар юзага келиб, ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади; болалар уйида ўсган, дисгармоник тарбия олган бўлиши; футболчи жамоада қанча кам ўйнаса, жипслилик ҳам шунча паст бўлиши; 5 йил ичида мураббийнинг 3-4 марта алмашиши гуруҳдаги жипслиликнинг паст бўлишига; жамоада спорт врачлари, психологдан бирининг йўқлиги, аёллар орасида стрессга чидамлиликнинг кескин пасайишига, 2 ла мутахассиснинг ҳам йўқлиги, стрессга чидамлилик даражасига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди; футболчи аёлларнинг мусобақа-машғулотлар графигидан беҳабарлиги улардаги ноаниқлик билан боғлиқ равишда невротизация даражасининг ортишига; мураббий, спорт психологи томонидан стресс ҳолатига тадбир ўтказилмаса стрессга чидамлилик пасаяди; аёллар жамоасида мураббий аёл бўлса, аёл-аёл муносабатларининг табиийлиги орқали физиологик ҳолат ҳисобга олиниб, жисмоний саломатликни сақлаган ҳолда руҳий комфорт ҳолатига эришишни таъминлайди.

Диссертациянинг **«Невротик бузилишларда ўтказиладиган профилактик тадбирлар»** деб номланган V-боби бир неча бўлимлардан иборат: спортчиларда невротик бузилишларни диагностикаси, невротик бузилишларда ўтказиладиган профилактик чора-тадбирлар бўлими. Спортчилардаги стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга ўз вақтида ташҳис қўйиш мақсадида невротик бузилишларни эрта аниқлаш махсус алгоритми ишлаб чиқилди.

Ушбу алгоритм 3 босқичда амалга оширилади: 1-клиник олди босқичи – барча спортчиларда скрининг тартибида экспериментал-психологик усул «Невротизацияни аниқлаш экспресс-диагностика тести», 2-клиник олди босқичи – невротизация даражаси юқори чиққан спортчиларда клиник-

психологик усул «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолашнинг клиник сўровномаси», 3-клиник босқич – клиник олди босқичларида тест натижалари ижобий чиққан спортчиларда тиббий кўрик ўтказилиб, КХТ-10 га кўра, «F48 - Стресс билан боғлиқ невротик бузилишлар» ташҳиси қўйилади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Невротик бузилишларни аниқлаш алгоритми

Босқич	Нима қилиш керак?	Ким ўтказди?
<b>1-клиник олди босқичи</b>	Психодиагностика босқичида тезкор скрининг, экспериментал-психологик усул «Невротизацияни аниқлаш экспресс-диагностика тести» фойдаланилади.	Психолог спорт клубларида амалга оширади.
<b>2-клиник олди босқичи</b>	Невротизация даражаси юқори чиққан спортчиларда клиник усул «Невротик ҳолатларни аниқлаш ва баҳолашнинг клиник сўровномаси» (Яхин-Менделевич) қўлланилади.	Спорт шифокори тиббий психолог ва/ёки психиатр билан биргаликда спорт клубларида ўтказса бўлади.
<b>3-клиник босқич</b>	Клиник олди босқичларида тест натижалари ижобий чиққан спортчиларда тиббий кўрик ўтказилиб, КХТ-10 га кўра, «F48-стресс билан боғлиқ невротик бузилишлар» ташҳиси қўйилади.	Амбулатор шароитда ўтказилиб, уни тиббий психолог ва/ёки психиатр амалга оширади.

Тадқиқотимизда ушбу алгоритмга кўра қуйидаги натижаларни олдик: асосий гуруҳдаги аёлларда асосан юқори (жуда юқори, юқори, бироз кўтарилган) даражадаги невротизация (59,1%) аниқланди. Ушбу омил невроз олди ҳолати ҳисобланиб, невротизация даражасини ўз вақтида психолог томонидан аниқланишига эътибор бериш лозим. Невротик ҳолатларни эрта аниқлаш ҳам стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни профилактика қилишда аҳамият касб этади. Ушбу диагностик алгоритмни қўллашдан мақсад – невротик бузилишларни эрта клиник олди даврларда аниқлаш, динамикада кузатув, рационал равишда даволашга ёндашувни йўлга қўйишдан иборат.

Неврозларни профилактика қилиш комплекс вазифа бўлиб, унинг учта тури мавжуд. Невротик ҳолатларни эрта клиник олди босқичида аниқлаш бирламчи профилактикани; касалликни келтириб чиқарган хавф омилларини, психологик, ижтимоий, ташкилий омилларни олдини олиш ва юқоридаги алгоритм асосида ишлаб чиқилган профилактик услубни қўллаш– иккиламчи профилактикани ташкил этиб, спортчилар рухий саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

Иккиламчи профилактика таркибига нафақат этиологик факторни ўрганиш, балки ташқаридан соғлом кўринган футболчиларни даврий тиббий-

профилактик текширувдан ўтказишни ҳам киритиш лозим. Ушбу кўрикни футбол жамоасида эрта ўтказишни таъминлаш мақсадида эса ҳар бир жамоага спорт/тиббий психолог штатини киритиб, скрининг усулида невротизациясини аниқлаш ва стрессга чидамлилиқ даражасини, ҳамда спортчиларнинг руҳий саломатлигини баҳолашни даврий равишда йўлга қўйиш лозим.

## ХУЛОСАЛАР

«Футболчиларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили ва профилактикаси» мавзусида тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD) бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Невроз кузатилган асосий гуруҳ футболчи аёлларнинг 15,9% ида хавотирли ҳолат, 13,6% эса депрессив ҳолат, 25% астения кузатилиб, бу синдромларнинг юзага келишига узок вақт таъсир кўрсатувчи психотравмаловчи омил ва ортиқча жисмоний зўриқиш ҳамда физиологик эҳтиёжларнинг тўлиқ қондирилмаслиги ҳамда ташкилий масалалар, яъни машғулотлар графигининг ҳар доим ҳам тўғри ва вақтида ташкил этилмаслиги, уйқу/машғулот балансининг бузилганлиги, машғулотлар жараёнида футболчи аёлларнинг физиологик жиҳатлари эътибордан четда қолиши каби омиллар роль ўйнашлиги аниқланган.

2. Конституционал-биологик омиллардан футболчи аёлларнинг 6,8% ининг ота-онасида руҳий касалликлар, 31,8% ининг ота-онасида эса соматик касалликлар аниқланиб, 40,9% ида ўсмирлик даврида турли даражадаги невротик симптомлар невроз шаклланишига таъсир қилганлиги исботланган.

2.1. Футболчи аёлларнинг 31,8% ида демонстратив тоифадаги, 2,3% ида руҳан қотиб қолувчи тоифадаги, 22,7% ида тез кўзгалувчи тоифадаги, 18,2% и да эмотив тоифадаги, 20,7% ини эса педант тоифадаги шахслар ташкил қилишлиги ва ушбу аёлларнинг характер акцентуация типини ҳақидаги хулосалар жамоа мураббийига футболчи аёлларга майдонда амплуани танлаш имконини беришлиги аниқланган.

3. Психологик омиллардан стрессга чидамлилиқнинг пастлиги, яъни стресс вазиятлари футболчи ҳаётига яққол таъсир этиши (86,4%), стресс организмга жиддий таъсир кўрсатиб, турли касалликларни бошланишига олиб келиши (9,1%); невротизация даражасининг жуда юқорилиги (13,6%), юқорилиги (20,5%), бироз кўтарилганлиги (25,0%); футболчи аёлларга нисбатан зўравонлик - тазйиқ (25%) ва руҳий зўравонлик (25%) мавжудлиги неврозни келтириб чиқарувчи омиллардан эканлиги исботланган.

4. Ижтимоий омиллардан спортчиларда дисгармоник тарбия олганлиги (63,6%), спортчи-мураббий муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги (20,5%), гуруҳли жипслиқнинг пастлиги (38,6%), невроз кузатилган 81,8% аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги омили стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар эканлиги билан изоҳланади.

5. Стресс билан боғлиқ невротик бузилишларга олиб келган ташкилий омиллар: футболчи аёлнинг бир жамоада кам вақт ўйнаши, яъни 3-5 йилдан

буён (15,9%), 1-3 йилдан бери (13,6%), 6-12 ой давомида (43,2%) бир жамоада фаолият юритиши; 5 йилда 1-3 та футбол жамоасини ўзгартирганлиги (75,0%); 5 йил ичида 1-3 та мураббий ўзгариши (40,9%), футбол жамоасида спорт психологи ва шифокорининг йўқлиги (72,7%), машғулот-мусобақалар графигидан олдиндан беҳабарлиги (29,5%), футболга саралаш орқали олинмаганлиги (ота-онаси олиб келган – 9,1%, ўзи келган – 86,4%), мураббий томонидан стресс ҳолатига тадбир ўтказилмаганлиги (6,8%) ва тадбир ўтказилмаганлиги айнан жамоада спорт психологи йўқлиги (86,4%) учун амалга оширилмаганлиги, машғулотлар давомида аёлларнинг физиологик ҳолати инобатга олинмасдан (95,5%) интенсив шуғулланиши ҳамда жамоада эркак мураббий (92,1%) бўлиши билан изоҳланади.

6. Неврозни профилактикаси мақсадида стрессга чидамлилиқни ошириш бўйича ишлаб чиқилган профилактик услуб ижобий натижа бериб, спортчида неврозни шаклланишига тўқинлик қилишлиги исботланган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**  
**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР  
СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**ТЕШАБАЕВА ГАВХАР ДАРВИШОВНА**

**АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ПРИВОДЯЩИХ К СВЯЗАННЫМ  
СО СТРЕССОМ НЕВРОТИЧЕСКИМ РАССТРОЙСТВАМ  
У ФУТБОЛИСТОВ И ИХ ПРОФИЛАКТИКА**

**19.00.04 – медицинская и специальная психология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.1.Phd/Tib806.**

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного центра ([www.medsport.uz](http://www.medsport.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Магзумова Шахноза Шахзадэевна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Абдуллаева Васида Каримбековна</b> доктор медицинских наук, доцент <b>Абдуллажанова Шахло Журахановна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский государственный медицинский институт</b>

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » « \_\_\_\_\_ » 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD. 10/30.12.2019.TIB.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Олмазор, дом 6. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № \_\_\_\_ адрес: 100109, город Ташкент, Алмазарский район, улица Форобий, дом 2. Тел./факс: (+99871)150-78-25); e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » « \_\_\_\_\_ » 2021 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года).

**А.А. Садиков**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**А.Б. Солиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор биологических наук, с.н.с

**А.А. Хаджиметов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
доктор биологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире современный спорт имеет уникальный соревновательный характер, поэтому актуальной задачей является расширение умственных способностей спортсменов, а также их физических возможностей. Рост результатов в спорте, особенно в футболе, который является «игрой миллионов», доказывает необходимость постоянного и всестороннего повышения уровня умственной подготовленности, что важно для индивидуальных физических возможностей спортсменов, а также их высокого спортивного мастерства. «Доля психических, неврологических и наркотических заболеваний среди всех заболеваний составляет 10%, у 450 миллионов человек по всему миру диагностировано легкое или тяжелое психическое заболевание».<sup>1</sup> Сегодня раннее выявление, своевременное устранение невротических расстройств у спортсменов, особенно футболистов, а также обеспечение их психической устойчивости имеют особое значение для достижения высоких результатов в спорте и остаются актуальной проблемой в достижении высокой спортивной формы и ощутимых результатов.

Во всем мире проводятся исследования для выявления факторов, вызывающих психические расстройства у спортсменов, улучшения их физических возможностей, ускорения адаптации к условиям высоких нагрузок за счет повышения их умственной выносливости и вывода спортивных результатов на новый уровень. В последние годы исследования были сосредоточены на изучение влияния связанных со стрессом невротических, соматоформных расстройств на психическую подготовку спортсменов, их умственную выносливость и стабильность на этапах до и после соревнований, их способности полностью использовать свои физические способности на повторяющихся тренировках, что повышает выносливость к высоким физическим нагрузкам.

Осуществляется масштабный комплекс мер по кардинальному улучшению спортивной активности населения нашей страны, в частности, по укреплению здоровья занимающихся физической культурой и спортом, по улучшению их физической и психической подготовленности. В связи с этим для «реализации конкретных программ по укреплению здоровья населения в области физической культуры и спорта, привлечение молодежи к занятиям спортом и отбор талантливых спортсменов, формирование национальных сборных с квалифицированными спортсменами, обеспечивающими высокие результаты в спорте...» важна разработка научных методов исследования. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-5924 от 24 января 2020 г. «О мерах по

---

<sup>1</sup>- Всемирная организация здравоохранения и Международный олимпийский комитет объединяют усилия для укрепления здоровья с помощью спорта. Женева, 16 мая 2020 г.

дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта»<sup>2</sup>.

